

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МОЛИЯ ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

АБДУКАДИРОВА КАМОЛА ХОЖИАКБАР ҚИЗИ

**КОРХОНАЛАР ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

*5340600– “Молия” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун ёзилган*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: к.ўқ.Н.Шерқўзиева

Тошкент 2012

РЕЖА

I Боб. Корхоналар инвестицион фаолиятининг назарий асослари.

- 1.1. Корхоналар инвестицион фаолиятининг моҳияти ва аҳамияти.
- 1.2. Корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга ошириш принциплари.
- 1.3. Корхона инвестицион стратегияси моҳияти ва уни амалга ошириш босқичлари.

II Боб. Корхоналар инвестицион фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлили.

- 2.1. Корхона молиявий ресурсларидан фойдаланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.
- 2.1. Корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг ҳолати таҳлили.
- 2.3. Корхоналарда инвестицион рискларни бошқариш ҳолати таҳлили.

III Боб. Корхоналар инвестицион фаолиятини самарали ташкил этиш йўллари.

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Маълумки бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ресурслар чеклангандир. Корхоналар фаолиятида ушбу чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари бундай шароитда турли мулкчилик шаклидаки корхоналар вужудга келади. Улар орасида ҳар доим катта рақобат мавжуд бўлади. Ушбу ҳолатда корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхоналарда пул маблағларидан самарали фойдаланиш, пул маблағларининг айланувчанлигини ошириш, ҳамда вақтинчалик бўш қолган пул маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни вақтинчалик бўлсада инвестицияларга йўналтириш талаб этилади. Президентимиз И.А.Каримов – “Ўтган йили фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди¹” – деб таъкидладилар. Демак корхоналарда бугунги кунда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида мазкур битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини билдиради.

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш каби масалар бўйича хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларидан А.Идрисов, В.Ван Хорн, В.Бочаров, В.Миловидов, Д.Савицкая, Д.Ергин, Д.Шевчук, И.Карасева, И.Бланк, И.Липсиц, К. Кэмпбелл., К.Макконелл, Л.Павлова, М.Жонк, Н.Петросян, П.Хавранек, Р.Кэмпбелл, Р.Фатхутдинов, С.Картишев, Э.Долан ва бошқаларнинг асарларида кўриб ўтилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Каримов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Л.Зоиров,

¹ Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”, Тошкент – “Ўзбекистон” – 2012 йил, 36 б., 11-бет.

М.Ҳамидулин, Н.Ҳайдаров, Н.Жумаев, Р.Карлибаева, Т.Маликов, У.Бурхоновлар, Э.Носиров ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Корхоналарда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот олдига қуйидаги **вазифалар** белгиланиб олинди:

- Корхоналар инвестицион фаолиятининг мазмун-моҳиятини кенгроқ ўрганиш;
- Инвестицион стратегиянинг мазмун-моҳиятини ўрганиш;
- Корхоналарда инвестицион молиявий ресурсларни шакллантириш тартибини ўрганиш;
- Инвестицион рисклар, уларнинг мазмун моҳиятини ҳамда уларнинг юзага чиқиш сабабларини ўрганиш;
- Корхоналарда инвестицион фаолиятни бошқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- Корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга ошириш йўллариини ўрганиш ва хулосалар чиқариш.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти битирув малакавий ишининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар молиявий муносабатлари, хусусан, инвестицион фаолият пул оқимлари ҳаракати, инвестицион сиёсат, корхоналарнинг инвестицион стратегияси, инвестицион фаолият молиявий ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар битирув малакавий ишимизнинг предмети ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишининг назарий манбаси сифатида Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳалқаро миқёсда юқори баҳоланаётган ва ижобий натижаларини мамлакатнинг тароққиёти тажрибаси тасдиқланаётган танланган асарлари тўпламига киритилган китобларидан, кўплаб мақола ва чиқишларида бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги вазифалари ҳақидаги асарлари, асос қилиб олинган . Илмий ишнинг предмети таҳлил қилинаётган пайтда биз шу масалаларга бевосита алоқадор бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармоишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг меъёрий ҳужжатларидан, оммавий ахборот воситалари ва турли матбуот органларида эълон қилинган материалларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавийнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, 6 та жадвал ва 3 та расмни ўз ичига олади. Битирув малакавий ҳажми ____ саҳифадан иборат.

I Боб. Корхоналар инвестицион фаолиятининг назарий асослари.

1.1. Корхоналар инвестицион фаолиятининг моҳияти ва аҳамияти.

Инвестицион фаолиятни бошқариш – корхонани ривожлантиришнинг умумий вазифаларида белгиланган инвестицион фаолиятнинг узок муддатли мақсадлари ва инвестицион ёндашувлар тизими, шунингдек қўйилган мақсадларга эришишнинг юқори даражада самарали йўллари танлаш ва амалга оширишдир.

Корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг бош режаси сифатида қуйидагиларни белгилаб беради:

- инвестицион фаолият муҳим йўналишларини;
- инвестицион фаолият шакллари;
- корхона инвестицион ресурсларини шакллантириш тавсифи;
- корхона узок муддатли инвестицион мақсадларини амалга ошириш босқичларининг кетма-кетлиги;
- инвестицион фаолият йўналишлари ва шакллари бўйича корхонанинг инвестицион активлиги имкониятлари чегаралари;
- инвестицион фаолиятни моделлаштириш, амалга ошириш ва баҳолашнинг расмий мезонлари тизими.

Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш жараёни корхона молиявий стратегияси тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб ўз ичига қуйидагиларни олади:

- инвестицион стратегия мақсадлари қўйилиши;
- шаклланган инвестицион ресурслар таркибини ва улар рационал тақсимланишини оптималлаштириш;
- инвестицион фаолият энг муҳим жиҳатлари бўйича инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш;
- ташқи инвестицион муҳит билан ўзаро муносабатларни сақлаш.

Корхонанинг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишнинг зарурлиги ташқи ва ички муҳит шарт-шароитлари ўзгаришлари билан белгиланади. Инвестицияларни самарали бошқариш фақатгина ташқи инвестицион муҳитдаги мумкин бўлган ўзгаришларга мослашган аниқ инвестицион стратегия асосида ташкил этилиши мумкин, бошқача айтганда корхонанинг алоҳида бўлинмалари инвестицион қарорларининг бир-бирига зид келиши мумкинлиги инвестицион фаолият самарадорлигини пасайтиради.

Корхона ташқи молиявий муҳити омилларининг ўзгариши операцион фаолият мақсадларининг муҳим ўзгаришлари билан ёки ҳаётий цикл босқичларидаги олдинда турган ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Янги тижорат имкониятлари очилиши корхона операцион фаолияти мақсадлари ўзгаришига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда ишлаб чиқилган инвестицион стратегия корхона инвестицион активлигини ўстириш прогнозини ва инвестицион фаолиятни диверсификациялашни таъминлайди.

Корхона ҳаётий циклининг ҳар бир босқичи учун ўзига хос инвестицион активлик даражасини, инвестицион фаолият йўналишлари ва шакллари, инвестицион ресурсларнинг шаклланиш хусусиятларини тавсифлайдиган инвестицион стратегия корхона инвестицион фаолиятини унинг иқтисодий тараққиётдаги ўзгаришларга мослаштириш имконини беради.

Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш жараёни корхонанинг стратегик бошқарув объектларини белгилашни талаб этади. Инвестицион фаолиятнинг бундай объектларига қуйидагилар киради:

- яхлит корхона;
- хўжалик юретишнинг стратегик зоналари;
- стратегик марказлар.

Хўжалик юретишнинг стратегик зонаси корхона доирасидаги умумий талаб ёки хом ашё, технологиялардан фойдаланиш умумийлиги асосида бирлашган ўзаро яқин тармоқлар қаторида ўз фаолиятини амалга оширувчи мустақил хўжалик сегментини ўзида акс эттиради.

Стратегик инвестицион марказ – хўжалик юрителининг алоҳида стратегик зонасида алоҳида функцияларни бажаришга ихтисослашган ёки самарали хўжалик фаолиятини таъминловчи корхонанинг мустақил таркибий бирлигидир.

Ҳозирги замонавий шароитда инвестицион стратегияни юрители корхонанинг муваффақиятли ва самарали ривожланишини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқилган инвестицион стратегия:

- корхонанинг олдиндаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг узок муддатли умумий ва инвестицион мақсадларини амалга ошириш механизмини таъминлайди;

- корхонанинг инвестицион имкониятларини реал баҳолаш имконини беради;

- инвестицион имкониятлардан максимал фойдаланиш ва инвестицион ресурслар фаол айланивчанлиги имконини беради;

- ташқи бозор инвестицион муҳитлари омилларининг ўзгаришлари жараёнида пайдо бўладиган ва қочиб бўлмайдиган янги истикболли инвестицион имкониятлардан тезкорлик билан фойдаланиш имкониятларини таъминлайди;

- ташқи инвестицион муҳитлар ривожланишининг мумкин бўлган вариантларини прогнозлаш ва корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсирини камайтириш имконини беради;

- корхона инвестицион фаолиятини стратегик, тактик (жорий) ва оператив бошқариш ўртасидаги аниқ ўзаро боғлиқликни таъминлайди;

- корхонанинг рақобат муҳитидаги устунлигини акс эттиради;

- энг муҳим стратегик инвестицион қарорларни амалга ошириш доирасида инвестицион фаолиятнинг мос сиёсати белгиланади.

Ички инвестицион стратегиялар реал инвестицион лойиҳаларни ва инвестициялашнинг молиявий инструментларини танлашнинг асосий мезоний баҳолашларини белгилаш асосида шакллантирилади. Ишлаб чиқилган инвестицион стратегия корхона бошқарувининг умумий ташкилий

тузилмалари ва ташкилий маданиятни стратегик ўзгартиришнинг асосий шарт-шароитларидан бири ҳисобланади.

1.2. Корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга ошириш принциплари

Корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида стратегик инвестицион қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш қуйидаги асосий принциплар асосида таъминланади.

Инвайронментализм принципи. Конституционализм (ташкилотнинг ташқи муҳит билан инвестицион муносабатларга киришиш фаолиятининг ёпиқлиги)га қарама-қарши равишда инвайронментализм корхонага ижтимоий-иқтисодий тизимда ташқи инвестицион муҳит билан фаол ўзаро муносабатга киришувчи, ўз-ўзини ташкил этишга қодир, яъни ўзига хос макон, замон ва функционал тузилмаларга эга очик тизим сифатида қарайди. Бу корхона инвестицион стратегиясини шакллантириш даражасининг баъзи сифатларини таъминлайди.

Мувофиқлик принципи. Корхона иқтисодий ривожланишининг умумий қисмида биринчи навбатда операцион фаолият ривожланишини таъминловчи инвестицион стратегия умумий стратегияга нисбатан бўйсунчан характерга эга ва шунинг учун стратегик мақсадлар ва операцион фаолият йўналишлари билан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Инвестицион стратегияга бундай ҳолатда корхона операцион фаолияти стратегик ривожланишига жиддий таъсир кўрсатувчи корхона самарали ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралади.

Инвестицион стратегияни амалга оширишни таъминловчи операцион фаолият базавий стратегиялари қуйидагилардир:

- чекланган ўсиш стратегияси;
- жадаллашган ўсиш стратегияси;
- қисқартириш (сиқиш) стратегияси;

- бирлаштириш (комбинациялаш) стратегияси.

Чекланган ўсиш стратегиясида маҳсулотлар ассортименти барқарорлиги ва ишлаб чиқариш технологияларига илмий-техник тараққиёт натижалари кучсиз таъсири остида фойдаланилади. Одатда бу стратегия бозор конъюктурасининг нисбатан кучсиз тебраниши ва рақобат позициясининг барқарорлиги шароитида танланиб, инвестицион стратегия биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг чекланган ўсишини таъминловчи такрор ишлаб чиқариш жараёни ва активлар ўсишини самарали таъминлашга йўналтирилган. Инвестицион фаолият стратегик ўзгаришлари мазкур базавий стратегия бўйича минимал даражада акс этади.

Жадаллашган ўсиш стратегияси корхона томонидан ўз ҳаётий цикли дастлабки босқичларида юқори суръатларда тараққий этаётган соҳаларда илмий-техник тараққиёт натижаларининг юқори даражада қўлланилишини кўрсатиб беради. Бундай базавий стратегия асосидаги инвестицион стратегия инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг юқори суръатларини таъминлашнинг зарурлигини ҳисобга олган ҳолда шунингдек инвестицион фаолиятни турли шакллари, йўналишлари, ҳудудлар ва тармоқлар (соҳлар) бўйича диверсификациялаш бирмунча мураккаблик касб этади.

Қисқартириш (сиқиш) стратегиясига корхонанинг ҳаётий цикли сўнгги босқичларида, шунингдек иқтисодий ривожланишнинг молиявий инқироз фазасида эътибор кўпроқ эътибор қаратилади. Ўз моҳияти бўйича бу стратегия ортиқча фаолиятлардан воз кечишни англатади. У чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва ассортиментини қисқартиш, бозорнинг алоҳида сегментида чиқиш ва бошқаларни назарда тутди. Бундай шароитда инвестицион стратегия бўшаётган капитал узоқ муддатли молиявий барқарорликни таъминловчи инвестициялаш объектларида фойдаланиш асосида юқори айланувчанликни таъминлаши лозим.

Бирлаштириш (комбинациялаш) стратегиясидан йирик корхоналарнинг инвестицион фаолиятни тармоқ ва ҳудудлар бўйича кенг диверсификациялашида фойдаланилади. У турли типдаги хўжалик

юритишнинг стратегик зоналари ёки стратегик хўжалик марказлари алоҳида стратегияларини ўзида бирлаштиради. Корхона инвестицион стратегияси стратегик бошқарувнинг алоҳида объекtlари бўйича уларни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари билан боғлиқликда табақалаштирилади.

Комбинациялаш принципи. Бу принцип инвестицион фаолиятни истиқболли (стратегик), жорий ва оператив бошқаришнинг ўзаро бирлашишини таъминлашга хизмат қилади.

Ишлаб чиқилган корхона инвестицион стратегиясида инвестицион фаолиятни стратегик бошқариш жараёнига муҳимлиги бўйича фақат биринчи босқичда кўриб чиқилади. Бундай стратегия корхона инвестицион портфелини шакллантириш йўлида инвестицион фаолиятни тактик (жорий) бошқариш асосида ётади. Ўз навбатида тактик бошқарув алоҳида реал инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва молиявий инструментлар портфелини қайта таркиблаш йўлида инвестицион фаолиятни оператив бошқаришнинг базаси ҳисобланади.

Инвестицион портфелни шакллантириш ўрта муддатли бошқарув жараёни бўлиб, стратегик қарорлар ва корхонанинг жорий инвестицион имкониятлари доирасида амалга оширилади.

Реал инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва молиявий инструментлар портфелини қайта таркиблашни оператив бошқариш қисқа муддатли бошқарув жараёни ҳисобланади ва алоҳида инвестицион лойиҳалар ва молиявий инструментлар бўйича оператив қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни, зарур ҳолларда инвестицион портфелни қайта кўриб чиқиш ҳақида қарорлар тайёрлаш назарда тутади.

Стратегик бошқарувни асосан тадбиркорлик стилига йўналтириш принципи. Корхонанинг истиқболга йўналтирилган инвестицион хатти-ҳаракатлари иккита стиль бўйича ўзаро фарқланади: консерватив стиль ва тадбиркорлик (агрессив) стили.

Консерватив стиль асосини қабул қилинадиган стратегик инвестицион қарорларнинг мумкин бўлган вариантларини минималлаштириш билан инвестицион фаолият етарли даражасида стратегик мақсадлар қўйилишини акс эттиради. Инвестицион фаолият йўналишлари ва шакллариининг муҳим ўзгаришлари фақатгина операцион фаолиятни ўзгартириш жараёнида амалга оширилади. Консерватив ўсиш стили ҳаётий циклнинг етарли даражаси назарда тутилиши билан изоҳланади.

Инвестицион хатти-ҳаракатларнинг тадбиркорлик стили асосини инвестицион фаолият барча йўналишлари ва шакллари бўйича самарали инвестицион ечимларни доимий излаш ташкил этади. Мазкур стиль қўлланилганда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг йўналишлари, шакллари ва методлари ташқи инвестицион муҳит омилларининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда доимий алмаштириб борилади.

Инвестицион мослашувчанлик ва муқобиллик принципи. Инвестицион стратегия ташқи инвестицион муҳит омилларининг ўзгаришига мослашувчанликни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Бундан ташқари стратегик инвестицион қарорлар асосида инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг йўналишлари, шакллари ва методларининг мумкин бўлган (муқобил) вариантларини доимий қидириш, улардан энг яхшисини танлаш ва шу асосда умумий инвестицион стратегияни куриш ҳамда уни самарали амалга ошириш механизмини шакллантириш ётиши керак.

Инновацион фаолият. Инвестицион стратегияни шакллантиришда инвестицион фаолият корхонанинг бозордаги рақобат позициясини оширишни таъминловчи технологик янгиликларни жорий этиш бош механизм сифатида қаралади. Нафақат инвестицион стратегияни, шу билан бирга корхонанинг стратегик ривожланиш умумий мақсадларини амалга ошириш илмий-техник тараққиётнинг сўнгги натижаларидан ва уларни зудлик билан фойдаланишга мослаштиришга юқори даражада боғлиқлик касб этади. Мазкур принцип айнан юқоридагилар билан изоҳланади.

Инвестицион рискларни минималлаштириш принципи. Амалий жихатдан корхонада инвестицион стратегияни шакллантириш жараёнида қабул қилинган барча инвестицион қарорлар инвестицион рискларга дуч келади. Ҳар бир корхонада инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида рискка муносабат бўйича турли инвестицион хатти-ҳаракатлар билан боғлиқликда уларга йўл қўйишнинг мумкин бўлган даражаси табақалаштирилган ҳолда ўрнатилиши лозим.

Асосланганлик принципи. Инвестицион стратегияларнинг алоҳида параметрларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни нафақат билим, шу билан бирга малака ва бошқарув тажрибасига, шунингдек инвестицион маданиятга эга, профессионал мутахассислар – молиявий менежерлар таъминлаши лозим.

1.3. Корхона инвестицион стратегияси моҳияти ва уни амалга ошириш босқичлари.

Инвестицион стратегия – корхона инвестицион фаолиятини истиқболли бошқаришнинг самарали инструменти сифатида кўзга ташланади ҳамда корхонани ривожлантиришнинг концепциясини ўзида акс эттиради.

Корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади (1-расм):



1-расм. Корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш босқичлари²

Инвестицион стратегияни шакллантириш даври қуйидагиларга боғлиқ:

- корхона ривожланишининг умумий стратегиясини шакллантириш учун қабул қилинган давр давомийлиги – инвестицион стратегия даври мазкур чегарадан чиқмаслиги лозим;

- иқтисодиёт ва инвестицион бозор ҳолатини прогнозлаш имкониятлари – ривожланган мамлакатлардаги йирик корхоналар инвестицион стратегияси 10-15 йилга ишлаб чиқилади; иқтисодий беқарорлик шароитида эса ўртача 3-5 йилдан ошмаслиги лозим;

- корхонанинг тармоққа доир хусусиятлари – чакана савдо, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаларида инвестицион стратегияни шакллантириш даври қисқароқ (ривожланган мамлакатларда 3-5 йил); ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш соҳасида, қазилма бойликлар соҳасида узоқроқ (5-10 йил); энг узоқ давр институционал инвесторлар учун белгиланади (10 йилдан юқори);

² Бланк И.А. Финансовый менеджмент: Учебный курс. – К.: Эльга, Ника-Центр, 2004. – 656 с., 428-стр.

- корхонанинг кўлами. Йирик корхоналарда инвестицион стратегиялар нисбатан узоқроқ муддатга ишлаб чиқилади.

Стратегик мақсадларни шакллантириш стратегик имкониятлар таҳлили, инвестицион фаолиятнинг стратегик йўналишлари ва шакллари танлаш, шунингдек инвестицион ресурслар шаклланишининг стратегик йўналишларини аниқлаш корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим босқичлар ҳисобланади. Уларнинг моҳияти ва тузилиши ҳақида кейинги параграфларда батафсил кўриб чиқамиз.

Инвестицион сиёсат инвестицион фаолиятнинг энг муҳим йўналишлари кесимида уни амалга оширишнинг алоҳида босқичларида корхона инвестицион стратегиясини амалга ошириш шаклини ўзида акс эттиради. Инвестицион сиёсатнинг инвестицион стратегиядан фарқи бош стратегик мақсадларга эришиш учун самарали бошқарувни таъминлашни талаб қилувчи аниқ фаолият йўналишлари бўйича шаклланади.

Корхоналар инвестицион стратегияси доирасидаги молиявий сиёсат қуйидаги йўналишларда ишлаб чиқилади:

- реал инвестицияларни бошқариш;
- молиявий инвестицияларни бошқариш;
- инвестицион ресурсларни шакллантириш;
- инвестицион рискларни бошқариш.

Бундай молиявий сиёсатларнинг ҳар бири корхоналарнинг инвестицион фаолият самарадорлигини оширишда ижобий аҳамият касб этади.



2-Расм. Корхоналарда инвестициялар таснифланиши³

Юқоридаги 12-расмда корхоналар инвестицияларининг тули хусусиятларига кўра таснифланиши тасвирланган. Ушбу расмдан кўриб

³ Бланк И.А. Финансовый менеджмент: Учебный курс. – К.: Эльга, Ника-Центр, 2004. – 656 с., 381-стр.

турганимиздек, инвестициялар амал қилиш муддатлари бўйича қисқа муддатли инвестициялар ва узоқ муддатли инвестицияларга ажратилади.

Қисқа муддатли инвестициялар бир йилдан ошмадиган даврда амалга оширилади. Узоқ муддатли инвестициялар бир йилдан кўп муддат ичун йўналтирилади.

Корхона инвестициялари даромадлилик даражалари бўйича тўрт гуруҳга ажратилади. Юқори даромадли инвестициялар, ўрта муддатли инвестициялар, паст даромадли инвестициялар, даромадсиз инвестициялар.

Инвестициялар инвестицион риск даражаси бўйича ҳам тўрт гуруҳга ажратилади: рисксиз инвестициялар, паст рискли инвестициялар, ўрта рискли инвестициялар, юқори рискли инвестициялар.

Инвестициялар ликвидлилик даражалари бўйича ҳам тўрт гуруҳга ажратилади: юқори ликвидли инвестициялар, паст ликвидли инвестициялар, ўрта ликвидли инвестициялар, ноликвидли инвестициялар.

Иқтисодий таркибнинг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотлар стратегиясининг муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қурилишининг белгиланган йўналишлари экспорт имкониятининг кенгайтирилишига, бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришишимиз мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, шу жумладан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан, кредитлар эвазига қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Умумий ҳисобга олганда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари қуйидаги шаклларга бўлинади:

1. инвесторнинг ўз молиявий ресурслари;
2. инвесторнинг қарзга олган маблағлари;
3. инвесторни жалб қилган молиявий ресурси;
4. давлат бюджети маблағлари;
5. чет эл инвестициялари ва кредитлари;
6. Ноанаъвий молиялаштириш. (синдикат кредитлаш, венчурли ва бошқалар).

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш турли шакл ва усулларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш, инвестиция фаолиятининг бош муаммоларидан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилмоқда.

1. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик резервлари (фойда, амортизация ажратмалари, махсус резерв фондлари);
2. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кредити, облигация бўйича қарзлар);
3. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш, меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишдаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари);
4. Бюджетдан инвестицион ассигнациялари (маҳаллий, давлат ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари).
5. Чет эл инвестициялари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси, қўшма корхоналар кўринишида);
6. Лизинг (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоотларни ижарига бериш тушинилади).

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шакллари таҳлил қилиб энг қулай шакл ва усул танланади.

• **Инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончли манбаси бу ўз маблағлари ҳисобланади.** Ҳар қандай тижорат ташкилоти доимо инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилади. Бу ҳолатда молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак деган муаммо вужудга келмайди ва унинг банкротлик хавф-хатари (риски) камаяди. Бундан ташқари ижобий томонлари ҳам мавжуд. Хусусан ўз-ўзини молиялаштириш корхонани ривожланганлиги ва унинг яхши молиявий ҳолатини билдиради ва яна рақобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади, бошқа корхоналарда бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Ҳар қандай тижорат ташкилотининг асосий ўз-ўзини молиялаштириш манбаи бу асосан соф фойда ва амортизация ажратмаси ҳисобланади.

а) *"Фойда инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида".*

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг асосий мақсади бу максимал фойда олишдир. У корхона фаолиятининг асосий молиявий натижаси ҳисобланади.

б) *«Амортизация ажратмалари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаи сифатида»*

Амортизация ажратмалари инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Улар қайта ишлаб чиқаришни (яъни такрор ишлаб чиқариш) ташкил қилиб қолмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришга ҳам мўлжалланган бўлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида амортизация корхонанинг инвестиция эҳтиёжини 70-80%ини қондиради. Мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиши билан амортизация ажратмаларини инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатидаги аҳамияти ҳам ўсди. Бу биринчи навбатда асосий фондларнинг тез-тез қайта

баҳоланиши ва кўп корхоналарнинг зарарга интилаётганлиги билан боғлиқ.

Инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида бошқаларига нисбатан устунлик томони шундаки, корхонанинг ҳар қандай молиявий ҳолатида, бу манба ўз ўрнига эга бўлади ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

Рақобат жараёни, асосий фондларни янгилаб туришни талабтади, бу эса келгусидаги инвестициялар учун тезлаштирилган амартизация ажратмаларини ҳисоблашни тақозо этади. Шундай қилиб, интенсив тарздаги қайта ишлаб чиқариш амалга оширилади. Бунинг натижасида амартизация ажратмалари, ўзи алоҳида бир шаклни ташкил қилади. Бошқа қилиб айтганда, кенгайди ва инвестициялаш учун олдингисига нисбатан барқарор молиявий базага айланади. Шундай қилиб, амартизация ажратмалари корхонанинг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи муҳим воситага айланади.

в) Корхонанинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ички молиявий ресурслари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-хўжалик усулида бажарилган қурилиш-монтаж ишларидан келган фойда (қилинган иқтисод);

-асосий воситаларни ликвидация қилинган вақтда олинган яроқли материаллар;

-айланма маблағларнинг айланишини тезлашиши ҳисобига, муомиладан бўшатилган айланма маблағларнинг бир қисми;

-корхонанинг ўзида ташкил қилинган махсус резерв фондлари ва бошқалар.

г) Агар корхона инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари етарли бўлмаса, бундай ҳолда, корхона маблағларни қимматли қозғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган

ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бўлиб, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Акция - бу корхона мулкига акционерларнинг қўшган хиссасини тасдиқловчи ҳужжат. Акциялар бўйича даромадлар дивидент шаклида олинади. Акциялар чиқариш орқали зарур бўлган пул маблағлари жалб қилинади. Акционерлик капиталини шакллантиришда икки хил акция эмиссия қилинади: оддий ва имтиёзли акциялар.

Облигация - бу қарздорлик мажбурияти бўлганлиги сабабли акцияга нисбатан риск камроқ бўлади ва облигациялар шу сабабли акцияга нисбатан тезроқ сотилади. Бу эса корхонага зарур маблағларни бир мунча қисқа вақт ичида тўплаш имконини беради. Облигациянинг акцияга нисбатан rischi камроқ бўлганлиги сабабли, облигацияга тўланадиган фоиз акция бўйича дивидентга нисбатан пастроқ бўлади. Корхона учун эса акция чиқариш, облигация чиқаришга нисбатан қулайроқдир. Чунки фойда миқдорига қараб, дивидентни ўзгартириши мумкин, облигацияда эса фоиз қатъий белгиланган бўлади.

в) *Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг қарзга олинган манбаи бўлиб, банк кредитлари, ипотека ссудалари, суғурта компанияларидан олинган қарзлар ёки (нодавлат) бюджетдан ташқари фондлардан олинган кредитлар ҳисобланади. Ушбу молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёردа ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқул, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.*


II Боб. Корхоналар инвестицион фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлили.

2.1. Корхона молиявий ресурсларидан фойдаланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.

Корхоналарда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш корхона молиявий менежмент тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У субъектнинг молиявий бошқарувида турли шаклдаги вазифаларни ечишда ва унинг субъект молиявий менежментининг бош мақсадига қаратилганлигини талаб этади.

Молиявий ресурслардан фойдаланиш режасини тузишда молиявий ҳисобот моддаларидан фойдаланиб, субъект тўғрисида атрофлича маълумот олинади, шу асосда корхонада молиявий ресурсларди ҳаракатининг фаоллик даражаси таҳлил этилади.

Корхоналар бошқарув сиёсатида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида ўрин эгалласа, молиявий ресурслардан самарали фойдаланишда пул оқимларини бошқариш алоҳида ўрин эгаллайди.. Ушбу бошқарув сиёсатининг тўғри ишлаб иқилгани ва уни самарали амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Буни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



3-расм. Корхоналарда пул оқимларини бошқариш босқичлари⁴.

Ушбу 3-расмдан корхоналарда пул маблағларини бошқариш босқичларини кўришимиз мумкин. Ушбу расмда тасвирланган маълумотларга мувофиқ, корхона авваламбор пул маблағларини бошқариш сиёсати ишлаб чиқарилади. Корхоналарда пул маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида пул маблағларини бошқариш сиёсати ишлаб чиқарилади. Яъни пул маблағларидан фойдаланишда корхона истиқболини белгиловчи чора тадбирлар ишлаб чиқарилади. Умумий маънода бунда корхона молиявий менежерлари ёки раҳбари томонидан пул маблағларидан фойдаланиш стратегияси ҳамда уни амалга ошириш тактикалари ишлаб чиқарилади. Шундагина корхона кўзлаган мақсадига белгиланган режалар асосида яқинлашади ҳамда эришади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада пул маблағлари бўлган минимал эҳтиёжини аниқлаши лозим. Чунки мавжуд пул маблағларидан корхона самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун корхона асосий фаолиятини амалга ошириш учун, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча маблағ керак бўлса, асосий фаолиятга шунча маблағни қолдириш лозим. Қолган қисмини самарали фойдаланиш мақсадида бошқа соҳаларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Бугунги тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари бўш турмаслиги лозим. Акс ҳолатларда бу маблағлар бе самар ишлатилиб кетиши мумкин.

Корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир даврда (бир ишлаб чиқариш цикли давомда) корхонада пул маблағлари қолдиғини аниқлаб бориш лозим. Бу асосан корхонада пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда амалга оширилади. Фақатгина молиявий менежерлар томонидан пул маблағлари чиқими ва унинг кирими таҳлил қилиниб кейинги даврда керакли пул маблағлари ҳажмини аниқлаш лозим. Бундан ташқари ҳар бир даврдаги

⁴ Иқтисодий адабиётлар ёрдамида талаба томонидан тайёрланди

аниқланган пул маблағлари диапазони корхонада корхона фаолиятининг қай даражада эканлигини белгилайди.

Корхона бир ишлаб чиқариш цикли нихоясида пул маблағлари ҳолатини таҳлил қилиб, унинг ўсиш динамикасини аниқлагандан сўнг кейинги ишлаб чиқаришга қанча пул маблағлари керак бўлса, шунча пул маблағларини қолдириб, пул маблағлари оқимини шунга тўғирлаб бориш лозим. Қолган қисмини ажратиб бориш лозим. Бу маблағлардан корхона захирага олиши ёки юқорида такидлаганимиздек бошқа соҳага асфарбар этиши мумкин.

Корхонада пул маблағлари ҳолатини таҳлил қилишда ҳамда ундан янада самарали фойдаланиш чоралари кўриляётган бир пайтда, пул маблағларининг айлданувчанлиги даражасига катта эътибор қаратиш лозим. Пул маблағлари қанча тез айланса, юқорида такидлаганимиздек корхонанинг кейинги ишлаб чиқаришига қолдирган пул маблағлари суммаси ҳам ортиқчалик қилади. Яъни пул маблағлари айланувчанлиги юқори бўлган фаолиятда пул маблағларига бўлган эҳтиёж одатий ҳолатларга қараганда анча кам бўлади.

Корхона ишлаб чиқариш учун пул маблағларига бўлган минимал эҳтиёжни аниқлаганда, ҳар бир ишлаб чиқариш цикли давомида пул маблағлари қолдиғининг тебраниш диапазони аниқланганда ҳамда пул маблағларининг айланувчанлик даражаси оширилганда маълум бир пул маблағлари ортиб қолар экан. Бунда кейинги масала бу маблағлардан янада самарали фойдаланиш туради. Корхонада мавжуд ҳар бир маблағларнинг рентабеллигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Корхоналарда пул маблағлари айланиши шундай бўлиши керакки, бунда ҳар бир харажатни қоплаш учун даромадлар ўз вақтида бўлиши лозим. Яъни бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўз вақтида реализация қилиб, тушумни ўз вақтида тушишини таъминлаш лозим. Мисол учун корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ишчи ва ходимларнинг ишлаш сифатига боғлиқ. Маълумки уларнинг ишлаш сифати ўз вақтида меҳнат ҳақиларини

олиши ва турли рағбатлантиришлар олишига боғлиқ. Демак бунда иш ҳақи суммаларини ўз вақтида олиши корхона тараққиётида муҳим аҳамият касб этар экан.

Корхона фаолиятида солиқларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Солиқлар ўз вақтида тўланмаслиги корхона учун қўшимча пеня ва жарималар тўлашга мажбур бўлади. Шунинг учун кўп ҳолатларда солиқлар тўлов муддати келгунга қадар давлат бюджетига ўтказилиб берилади. Шунинг учун пул маблағларини бошқаришда ҳамда пул фондларидан самарали фойдаланиш мақсадида пул оқимлари ҳаракатини солиқ тўловлари муддатларига тўғирлаш долзарб масалалардан бири саналади. Чунки корхоналар реализация қилган маҳсулотлари суммаси ўз вақтида тушмаслиги натижасида, дебиторлик қарзларини шакллантириб, солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошира олмай қоладилар. Бу эса корхона учун ортиқча харажатларни келтириб чиқаради. Айрим ҳолатларда корхона ҳисобланган солиқ суммасини вақтинчалик тўламай туриш натижасида мавжуд суммадан самарали фойдаланиш мумкин. Яъни бунда корхона олдидаги асосий масала солиқ суммасини вақтинчалик тўламасдан, уни ишлаб чиқаришга сарфлашдан қанча фойда кўриши билан солиқни вақтида тўламаганлиги учун тўланадиган пеня орасидаги фарқ таҳлил қилиниши лозим. Натижа ижобий бўлса бундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ келади, акс ҳолатда эса корхона солиқларни ўз вақтида тўлагани мақулдир.

1-жадвал

**МЧЖ “Чевар орли” кичик корхонасининг 2011 йилда пул маблағлари
ҳаракати таҳлили⁵**

Кўрсаткичлар	Чиқим		Чиқим	
	минг сўмда	фоизда	минг сўмда	фоизда
Пул маблағларининг йил бошига қолдиғи	14320	5,0	-	-
Асосий фаолият	245300	85,4	185400	72,1
Инвестицион фаолият	15440	5,4	43680	17,0
Молиявий фаолият	12230	4,3	4330	1,7
Тўланган солиқлар			23780	9,2
Жами пул маблағлари- нинг ҳаракати	287290	100	257190	100
Соф кўпайиш ёки камайиш	30100	10,5	-	-

Юқоридаги 1-жадвалда МЧЖ “Чевар орли” кичик корхонасида пул оқимлари таҳлили келтирилган. Ушбу жадвалда пул оқимлари кирими ва пул оқимлари чиқими ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра корхонада йил бошида пул маблағлари қолдиғи 14320 минг сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу сумма ушбу йилдаги жами пул маблағлари айланмасининг 5%ини ташкил этган. Асосий фаолиятдан пул маблағлари кирими 245300 минг сўм бўлиб жами пул маблағлари киримининг 85,4%ини ташкил этади. Асосий фаолиятда пул маблағлари чиқими 185400 минг сўмни ташкил этиб, ушбу сумма жами пул маблағлари чиқимининг 72,1%ини ташкил этган. Корхонада ушбу йилда инвестицион фаолиятдан ҳам пул оқимлари кирими бўлган. Ушбу сумма 15440 минг сўмни ташки қилиб, жами пул маблағлари киримининг 5,4%ини ташкил қилади. Инвестицион фаолият учун пул маблағлари чиқими ҳам қилинган. Ушбу чиқим корхонанинг 2011 йилда қилинган жами пул маблағлари

⁵ МЧЖ молиявий ҳисоботлари ёрдамида магистрант томонидан тузилди.

чиқимининг 17%ини ташкил этган. Корхонанинг молиявий фаолиятдан пул маблағлари кирими 12230 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, ушбу сумма жами пул маблағлари киримининг 4,3%ини ташкил этади. Молиявий фаолиятдан пул маблағлари чиқими эса 4330 минг сўмни ташкил этиб, ушбу сумма корхонада жами пул маблағлари чиқимининг 1,7%ини ташкил этган.

Корхоналарда пул маблағларини бошқаришда асосий вазифа пул маблағлари айланувчанлигини максималлаштириш ҳисобланади. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳам энг асосий масала пул маблағлари миқдорини ошириш эмас балки, пул маблағлари айланувчанлигини ошириш ҳисобланади. Чунки пул маблағлари айланувчанлигини оширишнинг кўп афзалликлари бор. Буларга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- корхоналар товар ишлаб чиқариши ҳажмини ошириш;
- фаолият харажатларини ўз вақтида амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш оз пул маблағлари билан ҳам белгиланган мақсадга эриша олиш;
- корхона молия-хўжалик фаолияти узлуксизлигини таъминлаш;
- корхона молиявий ҳолатини яхшилаш.

Шундай қилиб корхоналарда пул оқимлари ҳаракатини тезлаштириш пул маблағларини тежаб қолишга ҳамда тежалган пул маблағларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёки бошқа соҳага йўналтириши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда 2-жадвал мисолида МЧЖ “Чевар орли” корхонасининг 2009-2010 йилларда пул маблағлари ҳаракатини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**МЧЖ “Чевар орли” кичик корхонасида пул маблағлари
айланувчанлиги таҳлили⁶**

Ko'rsatkichlar	2010 йил	2011 йил	фарқи
Маҳсулот сотишдан соф тушум (минг сўм)	186120	245300	59180
Пул маблағлари (минг сўм)	24680	30100	5420
Пул маблағлари айланувчанлиги			
мартада	7,5	8,1	0,6
кунларда	47,7	44,2	-3,6
Айланиш тезлашиши ёки секинлашишидан маблағларнинг бўшаганлиги (-) ёки қўшимча (+) жалб қилинганлиги	x	X	-2427,4

Ушбу жадвалда МЧЖ “Чевар орли” кичик корхонасида пул оқимлари айланувчанлиги даражаси ва унинг корхона молияий ҳолатига таъсири таҳлил қилинган. Ушбу маълумотларга мувофиқ корхонадан 2011 йилда маҳсуло сотишдан тушум 245300 минг сўмни ташкил этиб, ушбу сумма 2010 йилга нисбатан 59180 минг сўмга ошган. Корхонанинг фаолиятдаги пул маблағлари эса 2011 йилда 30100 минг сўмни ташкил қилган ва бу миқдор 2010 йилга нисбатан 5420 минг сўмга ошган. Корхонада пул маблағлари 2011 йилда 8,1 маротабага айланган ва бу айланувчанлик 2010 йилга нисбатан 0,6 га ошган. Пул маблағлари айланувчанлигини кунлар бўйича аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бундан кўринадики корхонанинг пул маблағлари 2011 йилда ҳар бир 44,2 кунда бир маротаба айланган. 2010 йилда эса пул маблағлари ҳар 47,7 кунда бир маротаба айланган. Бу кўрсаткичлар 2011 йилда 2010 йилга нисбатан яхши бўлганлигини англатади. Пул маблағлари айланувчанлиги 2011 йилда 2010 йилга нисбатан ошганлиги сабабли ушбу йилда 2427,4 минг сўм пул маблағлари ишлаб чиқаришдан бўшаган. Бу эса

⁶ МЧЖ молиявий ҳисоботлари ёрдамида магистрант томонидан тузилди.

корхонанинг ишлаб чиқаришини кенгайтиришга имконият бўлади ёки бошқа фаолиятга пул мабағини йўналтириш мумкин.

2.2. Корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг ҳолати таҳлили.

Маълумки корхоналар фаолияти давомида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида турли соҳаларга молиявий ресурсларни сафарбар этади. Чунки бугунги бозор иқтисодиёти шароитида битта соҳа билан ишлаб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Чунки бугунги рақобат шароитида молиявий ресурслардан фойдаланишда молиявий ресурслардан ажралиб қолиш хавфи юзага келади. Бу эса молиявий менежментда молиявий ресурсларни диверсификация қилиш ни талаб этади. Бундай шароитда корхоналар молиявий ресурсларини фақат ишлаб чиқаришга йўналтириш билан бирга инвестицион фаолият билан ҳам шуғулланади. Бундай шароитда корхоналар инвестор сифатида инвестицион лойиҳаларни ўрганиб чиқади. Чунки молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнида ҳар доим маълум даражада молиявий ресурслар йўқотилиш хавф-хатари мавжуд бўлади. Инвестицион фаолиятда молиявий рискларни бошқаришда айнан ана шундай хавф-хатарларни камайтириш, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни олдини олиш кабилар эътиборга олинади. Чунки ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фойдасини имкон қадар максималлаштиришга ҳаракат қилади. Корхона раҳбарлари ёки молиявий муносабатларни бошқарувчи молиявий менежерлар молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги омилларни ҳар доим инобатга олади. Ушуб омиллар корхона келгусида оладиган даромад миқдорини аниқлаштиради:

- инвестицион лойиҳадан келадиган даромад;
- инвестицион лойиҳа фойдалилик (самарадорлик даражаси);
- инвестицион лойиҳанинг ликвидлилик даражаси;
- инвестицион лойиҳанинг хавфсизлик (риск) даражаси.

Ушбу ҳолатда лойиҳаларга корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти, инвестицион фаолияти ва молиявий фаолиятлари киритилиши мумкин.

Корхона молиявий менежери фойдаланадиган молиявий ресурслардан қанча миқдорда даромад олишини аниқ билиши керак. Яъни молиявий менежер таҳлил асосда бир неча лойиҳалар асосида энг даромади кўп соҳани аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий менежер олдидаги кейинги масала фойдалилик даражасини аниқлашдан иборат. Фойдалилик бир сўмлик харжатга тўғри келувчи фойда миқдорини англатади. Масалан корхона иккита фаолиятдан бир хил миқдорда фойда олади дейлик, 1 млн.сўм. Биринчи фаолиятдан 1 млн. сўм фойда олиш учун 2 млн. сарф-харажат қилинган, иккинчи фаолиятда эса 1 млн. сўм фойда олиш учун 4 млн. сўм харажат қилинган. Бу ҳолатда биринчи фаолият фойдалилик даражаси каттароқ, чунки белгиланган мақсадга иккинчи фаолиятга нисбатан икки баробар кам капитал билан эришмоқда. Агарда биринчи фаолиятга ҳам иккинчиси каби бирхил, яъни 4 млн. сўмдан сарф харажат қилинганда, биринчи фаолиятдан 2 млн. сўм, икинчи фаолиятдан 1 млн. сўм фойда олган бўлар эди. Демак фойдалилик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Молиявий менежерлар ликвидлилик даражасига ҳам катта эътибор қаратади. Ликвидлилик даражаси молиявий ресурсларнинг пулга айланиш даражасини англатади. Яъни ликвидлилик қанча катта бўлса молиявий ресурслар айланувчанлиги ҳам шунча тез бўлади. Ҳар бир молиявий менежер ёки инвесторлар пул маблағларини бирор лойиҳага сафарбар этишидан олдин ушбу маблағлари ўзига қачон қайтиб келишини аниқ билиши зарур. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир молиявий муносабатлар пухта ишлаб чиқилган режа асосида бориши керак. Бу эса молиявий менежер ёки инвесторнинг лойиҳага баҳо беришга ҳамда келгусида яна бошқа молиявий ишларни амалга оширишга ёрдам беради.

Молиявий менежер ёки инвесторлар диққат марказида бўладиган яна бир масала, йўналтираётган пул маблағларининг хавфсизлик даражаси ва унинг таъминланганлик дараасидир. Чунки кўзланаётган даромад, лойиҳа самарадорлиги, лойиҳа ликвидлилиги жуда яхши бўлиши мумкин. Лекин хавфсизлик даражаси паст бўлса белгиланган мақсадга эришиш эҳтимоли ҳам жуда пасайиб кетади. Маълумки даромад, даромадлилик қанча юқори бўлган соҳада ёки умуман лойиҳада даромдалардан ажралиб қолиш хавфи ҳам юқори бўлади. Яъни риск даражаси юқори бўлади. Бу эса корхонанинг жиддий аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корхонанинг фойда олиши учун тўрта омилнинг таъсирини ўрганиш ва унга баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни аниқ ўрганиш мақсадида шартли миқдор олиб, уни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Буни 2-жадвал мисолида кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Корхона фойдасига таъсир этувчи омиллар таҳлили⁷
(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	1-лойиҳа	2-лойиҳа	3- лойиҳа
Лойиҳа қиймати (минг сўм)	33000	37000	40000
Кутилаётган фойда (минг сўм)	15000	18000	21000
Лойиҳа даври, (кун)	40	70	90
Фойдалилик (фоизда)	45,45%	48,65%	52,50%
1 кунлик фойдалилик (фоизда)	1,14%	0,69%	0,58%
Риск даражаси (фоизда)	30%	20%	35%
Риск ҳисобига бир кунлик фойдалилик (фоизда)	0,80%	0,56%	0,38%

Юқоридаги 3-жадвал маълумотларидан корхона инвестор сифатида учта лойиҳадан даромад олиш даражасини ўрганиш натижалари келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра корхона биринчи лойиҳадан 15 млн. сўм фойда олиши, 2-лойиҳадан 18 млн. сўм фойда олиши ва 3-лойиҳадан 21 млн. сўм фойда олиши кутилмоқда. Шу жараёнда бошқа омилларни ҳисобга

⁷ Талаба томонидан тузилди.

олмаганда 3-лойиҳа жуда яхши деган хулосага келиш мумкин. Лекин ушбу фойдаларга эришиш учун 1-лойиҳага 33 млн. сўм сарфлаши, 2-лойиҳага 37 млн. сўм сарфлаши ва 3-лойиҳага 40 млн. сўм сарфлаши лозимлиги белгиланган. Бунинг натижасида фойдалилик даражаси 1-лойиҳада 45,45%, 2-лойиҳада 48,65%, 3-лойиҳада эса фойдалилик даражаси 52,5% бўлмоқда. Бундан кўринадики фойдалилик даражаси 3-лойиҳа бўйича энг юқори бўлмоқда. Лекин лойиҳа даври 1-лойиҳада 40 кун, 2-лойиҳада 70 кун, 3-лойиҳада 90 кун бўлганлиги учун инвестиция лойиҳаларининг 1 кунлик фойдалилик даражаси 1-лойиҳада 1,14%, 2-лойиҳада 0,69%, 3-лойиҳада 0,58% эканлиги жадвал маълумотларидан кўринмоқда. Демак ушбу омиллардан 1-лойиҳа бошқаларига караганда яхшироқ эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу инвестицион лойиҳаларнинг ҳам бошқа соҳалар каби молиявий йўқотишлар хавфи мавжуд. Яъни бунда рисклилиқ даражаси 1-лойиҳада 30%, 2- лойиҳада 20% ва 3-лойиҳада 35%ни ташкил этади. Бундан инвестицион лойиҳаларга умумий баҳо бериш мумкин бўлади. Яъни барча омилларни ҳисобга олган ҳолда бир кунлик фойдалилик даражаси 1-лойиҳада 0,80%, 2-лойиҳада 0,56% ва 3-лойиҳада 0,38%ни ташкил этади. Бундан кўринадики энг самарали инвестицион лойиҳа 1-лойиҳа ҳисобланади. 3-лойиҳа эса инвестицион лойиҳалар ичида самарадорлиги энг паст лойиҳа бўлиб қолмоқда.

2.3. Корхоналарда инвестицион рискларни бошқариш ҳолати таҳлили.

Юқорида таъкидлаганимиздек, даромадлилик юқори соҳада риск даражаси ҳам юқори бўлади ва аксинча даромадлилик даражаси паст соҳада риск даражаси ҳам паст даражада бўлади. Маълумки корхоналарнинг асосий мақсади фойда олиш ҳамда уни максималлаштиришдир. Бунинг учун корхоналар инвестицион риск даражаларини яхши ўрганиб, унга таваккал қилишига тўғри келади. Бу жараёнда корхоналар фойдасини максималлаштириш учун юқори даромадлилик соҳаларга барча молиявий

ресурсларини кирита олмайди. Чунки юқори даромадлиликда юқори риск бўлиб, бор молиявий ресурслардан ажрали қолиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар барча молиявий ресурсларини риск даражаси паст соҳаларга ҳам кирита олмайди. Чунки уларда даромадлилик даражаси паст бўлади. Шунинг учун бугунги кунда корхоналар рисклилиқ даражалари турлича бўлган соҳаларга молиявий ресурсларини сафарбар этиши кўзланган мақсадга эришишни таъминлайди. Бундан ташқари турли соҳаларга пул маблағларини сарфлаш рисклилиқ даражасини ҳам пасайтиради. Чунки бир вақтнинг ўзида барча соҳалардан зарар кўриш эҳтимоли жуда паст бўлади. Яъни бу рисклилиқ даражаси пасайганлиги англатади. Ушбу ҳолатни иқтисодий адабиётларда диверсификация деб келтирилади. Диверсификация рискларни пасайтиришнинг асосий йўлларида биридир.

Корхоналарда риск менежментини ташкил этиш молиявий менежерлар олдида турадиган энг долзарб ва энг мушкул вазифалардан бири саналади. Чунки риск менежментида турли соҳаларда хавф-хатар даражаларини аниқлаш, молиявий ресурсларни турли соҳаларга тақсимлаш каби мушкул масалалар мавжуд бўлса, риск менежментини самарали ташкил этилганлиги корхонанинг фойдасини максималлашишини таъминлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда куйида корхоналар фаолиятида риск даражалари бўйича молиявий ресурсларнинг тақсимланиши натижасида кўриладиган фойда ҳолати тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиш мақсадида “Мустафо-А” МЧЖ мисолида рисклар таҳлилини келтирдик. Ушбу ҳолатни 5-жадвалда кўришимиз мумкин.

Кўриб турганимиздек 4-жадвалда МЧЖ “Мустафо-А” корхонаси молиявий фаолиятида молиявий рисклар таҳлили келтирилган. Ушбу жадвалга мувофиқ корхонанинг молиявий ресурслари рисклилиқ даражалари турли бўлган соҳаларга, яъни асосий фаолиятга, қимматли қоғозлар билан шуғулланишга, инвестиция фаолиятига, фоизли қарзлар беришга ҳамда банк омонтига йўналтирилган. Асосий фаолиятга 21,5 млн. сўм молиявий

ресурслар йўналтирилган. Бунда кутилган даромад 37625 минг сўмни ташкил этади ва фойдалилик даражаси 75%. Ушбу фаолиятда молиявий риск даражаси 15% бўлганлиги учун кутиладимган минимал даромад, яъни сарфланган маблағларнинг қайтиши 31981 минг сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

4-жадвал

МЧЖ “МУСТАФО-А” корхонасида молиявий рисклар таҳлили⁸
(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Харажат	Кутилган даромад	Фойдалилик даражаси	Риск даражаси	Риск ҳисобига молиявий натижа
1	2	3	$4=(3-2)/2$	5	$6=3-3*5/100$
Асосий фаолият	21500	37625	75%	15%	31981
Қимматли қоғозлар	2300	11500	400%	90%	1150
Инвестиция	5500	6600	20%	20%	5280
Бошқа корхоналарга қарз	2500	2950	18%	16%	2478
Банк омонатлари	5000	6500	30%	10%	5850
ЖАМИ	36800	65175	77%	28,3%	46739

Қимматли қоғозлар билан шуғулланишга 2300 минг сўм йўналтирилган бўлиб, ушбу фаолиятдан 11500 минг сўм даромад олиш кутилмоқда. Фойдалилик даражаси 400%ни ташкил этади. Бунда риск даражаси ҳам даромадлилик даражасига пропорционала равишда 90%ни ташкил этади. Бунинг натижасида 1150 минг сўм минимал даромад олиш эҳтимоли мавжуд. Яъни бу жараёнда корхона 2300 минг сўм қилинган харажати 1150 минг сўм бўлиб қайтмоқда. Бунда ушбу фаолиятда зарар кўриш эҳтимоли юқори. Корхонанинг инвестицияга йўналтирган пул маблағлари 5500 минг сўмни ташкил этади ва бунда сарфланган пул маблағларининг қайтиши 6600 минг сўм бўлиши кутилмоқда. Лекин инвестиция қилишда маблағларининг 20% йўқотилиши хави бор. Ушбу молиявий йўқотиш эҳтимолини, яъни молиявий риск даражасини ҳисобга оладиган бўлсак, бунда корхона 5280 минг сўмни қайтариб олиши мумкин. Ушбу ҳолат ҳам корхона учун зарар билан чиқиш

⁸ МЧЖ молиявий ҳисоботларидан фойдаланилган ҳолда магистрант томонидан тузилди.

эҳтимоли бор эканлигини англатади. МЧЖ “Мустафо-А” фаолият давомида бошқа корхоналарга фойза ҳисобига қарз ҳам берган. Бунда фойдалилик даражаси 18%, берилган қарз маблағлардан ажралиб қолиш эҳтимоли эса 16%ни ташкил этиши жадвалда кўрсатилган. Демак бундан кўринадики корхонанинг ушбу фаолияти ҳам зарар билан чиқиш эҳтимоли мавжуд. Яъни бунда берилган қарз 2500 минг сўм 2478 минг сўм бўлиб қайтиши мумкин. Корхона фаолияти давомида молиявий ресурсларининг маълум қисмини, яъни 5000 минг сўмини банкларга омонатга берилган. Ушбу фаолиятдан корхонага 6500 минг сўм қайтиши кутилган. Лекин Ушбу ҳолатда ҳам 10 молиявий йўқотиш хавфи мавжудлигини инобатга олинганда корхона 5850 минг сўм даромадга эга бўлиши мумкин. Умуман олганда корхонанинг жами молиявий ресурсларини фойда олишга йўналтирганда, молиявий ресурслар 36800 минг сўмдан 65175 минг сўмга ошиши кутилмоқда. Ушбу ҳолатда кўриб турганимиздек корхона молиявий ресурсларини рисклилиқ даражаси 10%дан 90%гача бўлган турли соҳаларга йўналтирган. Бунинг натижасида умумий риск даражаси 28,3%га айланган. Бу эса корхонанинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлайди. Чунки молиявий ресурслари молиявий йўқотиш хавфларини инобатга олганда 46739 минг сўм бўлиб қайтиши жадвал маълумотларида кўринмоқда.

Корхоналар рискларни бошқаришда албатта диверсификация усулидан фойдаланиши керак. 5-жадвални таҳлилида кўрганимиздек корхона риск даражалари турли бўлган соҳаларга молиявий ресурсларни сафарбар этган. Шу ўринда ҳар бир соҳадан кўрилатган фойда даражасини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қайси соҳа самарадорлиги юқори бўлса ҳамда шу билан биргаликда қайси соҳада рисклилиқ даражалари пастроқ бўлса, шу соҳага пул маблағларини йўналтириш корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида МЧЖ “Мустафо-А” корхонасида рисклилиқ ва фойдалилик даражалари таҳлилин қилиб чиқамиз (5-расм).

Қуйидаги келтирилган 5-расмда МЧЖ “Мустафо-А” корхонасида молиявий ресурсларнинг фойдаланиш бўйича рисклилиқ ва фойдалилик даражаси таҳлили келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра корхона молиявий ресурсларининг 58%ини асосий фаолиятга, яъни ўзининг маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирган. Бунда ушбу йўналтирилган молиявий ресурслар кутилган жами молиявий ресурслардан келадиган фойданинг 57%ини таъминлаши кутилган.

5-жадвал

МЧЖ “Мустафо-А” корхонасида рисклилиқ ва фойдалилик даражалари таҳлили⁹

Кўрсаткичлар	Харажатларнинг жамига нисбати	Кутилган фойда миқдорининг жамига нисбати	Риск даражаси	Риск ҳисобига фойданинг жамига нисбати
Асосий фаолият	58%	57%	15%	68,4%
Қимматли қоғозлар	6%	32%	90%	2,5%
Инвестиция	15%	4%	20%	11,3%
Бошқа корхоналарга қарз	7%	2%	16%	5,3%
Банк омонатлари	14%	5%	10%	12,5%
ЖАМИ	100%	100%	X	100%

Лекин ушбу фаолияти рисклилиқ даражаси 15%, яъни бошқа соҳаларга қараганда пастроқ бўлганлиги учун риск ҳисобига шаклланадиган жами фойданинг 68,4%ини шаклланишини таъминлаши мумкин. Қимматли қоғозларга йўналтирилган 6%ли молиявий ресурслар, жами фаолиятдан кутилган фойданинг 32%ини таъминлаш кутилган. Бу фаолиятда даромадлилик даражаси ҳам рисклилиқ даражаси ҳам юқори. Бунда риск даражаси 90% эканлигини инобатга оладиган бўлсак, корхона ушбу фаолиятдан оладиган фойдаси жами фойданинг 2,5%ини ташкил этиши мумкин. Ушбу ҳолатга эътибор қаратадиган бўлсак молиявий ресурсларнинг 6%и фойдани 2,5%дан 32%гача қисмини шакллантириши мумкин. Бу эса бевосита риск даражасининг қанча миқдори юзага келишига боғлиқ. Корхона

⁹ МЧЖ молиявий ҳисоботлари ёрдамида магистрант томонидан тузилди.

молиявий ресурсларининг 15%ини инвестицияга йўналтирган. Ундан кутиладиган фойда жами фойданинг 4%ини ташкил этади. Ушбу соҳада ҳам бошқа соҳага нисбатан молиявий йўқотиш хавфи камроқ бўлганлиги учун, ундан кутиладиган фойда рискни инобатга олганда жами фойданинг 11,3%ини ташкил этади. Корхонанинг бошқа корхоналарга берган қарзлари жами молиявий ресурсларнинг 7%ини ташкил этади ва ундан кутиладиган фойда жами фойданинг 2%ини ташкил этади. Лекин рисклилиқ даражасини ҳисобга олганда ушбу фаолиятдан келадиган фойда жами фойданинг 5,3%ини ташкил этади. Банкларга йўналтирган молиявий ресурслар жами маблағларнинг 14%ини ташкил этади. Ушбу маблағлардан кутилган фойда жами фойданинг 5%ини ташкил этади. Рисклилиқ даражасини ҳисобга олганда эса ушбу маблағлар келтирадиган фойда жами фойданинг 12,5%ини ташкил этади.

Молиявий рискларни бошқариш молиявий менежментнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки молиявий рисклар корхоналарда молиявий ресурсларнинг йўқолиши хавф-хатарини англатади. Корхоналар молиявий ресурсларидан фойдаланишда ҳар доим молиявий йўқотишлар хавфини камайтиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун молиявий ресурсларини молиявий йўқотиш даражалари ҳар хил бўлган соҳаларга йўналтиради ва бу билан маълум даражада умумий молиявий йўқотиш хавфини камайтиришга эришади. Бозор иқтисодиёти шароитида турли рисклар бўлиб, бунда даражалари номаълум ёки юқори рисклар ҳам мавжуд. Бундай жараёнда корхоналар тадбиркорлик қобилиятларидан келиб чиққан ҳолатда молиявий ресурсларининг бир қисмини шундай соҳаларга йўналтириб, катта таваккалчиликка йўл қўяди. Бундай жараёнда корхоналар авваламбор молиявий йўқотишларни қоплашга етарли молиявий резервларни шакллантиради. Агарда корхоналар ушбу жараёндан зарар билан чиқса белгиланган тартибда зарарлар захира маблағлари билан қопланади, агарда корхоналар молиявий йўқотишларга дуч келмаса, юқори

риск даражасидан келиб чиққан ҳолда юқори даромад олади. Бу эса ўз навбатида корхонага катта ёрдам бериши мумкин.

Корхоналар фаолиятида турли соҳарга молиявий ресурсларини сафарбар этар экан, бунда ушбу соҳалардан даромадлик даражалари ҳамда ушбу даромадга эришиш эҳтимоллиги турлича бўлади. Буни эса қуйидаги жадвал мисолида кўришимиз мумкин.

6-жадвал

“Халқабод” хусусий корхонасида рискларнинг молиявий натижага таъсири таҳлили¹⁰

Кўрсаткичлар	Кутилаётган фойда (минг сўмда)	Фойда олиш эҳтимоллиги (%да)	Минимал фойда миқдори (минг сўмда)
Асосий фаолият	45000	84	37800
Инвестицион фаолият	30000	74	22200
Молиявий фаолият	25000	60	15000
Жами	100000	75	75000

Юқорида келтирилган 7-жадвалда “Халқабод” хусусий корхонасида рискларнинг молиявий натижага таъсири таҳлил қилинган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра асосий фаолиятдан кутилаётган фойда 45 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу фаолиятдан келадиган фойданинг келиш эҳтимоллиги 84% бўлганлиги учун минимал фойда миқдори 37,8 млн. сўмдан иборат бўлмоқда. Агарда фойда олиш миқдори 84% бўлса, бунда риск даражаси 16% эканлигини билиб олиш мумкин. Инвестицион фаолиятдан кутилаётган фойда миқдори 30 млн. сўмни ташкил этади. Лекин ушбу фаолиятдан фойда келиш эҳтимоллиги 74%ни ёки бошқа сўз билан айтганда рисклилиқ даражаси 26% (100%-74%)ни ташкитл этганлиги учун, ушбу фаолиятдан олинadиган минимал фойда 22,2 млн.сўмни ташкил этади. Молиявий фаолиятдан кутилаётган фойда 25 млн. сўмни ташкил этади. Лекин ушбу фаолиятдан олинadиган фойда эҳтимоллиги 60% ёки бошқа сўз билан

¹⁰ Шартли маълумотлар асосида магистрант томонидан тузилди.

айтганда рисклилиқ даражаси 40% (100-60) ни ташкил этади. Бунинг натижасида эса минимал фойда миқдори 15 млн. сўмни ташкил этади. Жадвал маълумотларидан кўринадикки корхона учта фаолият бўйича 100 млн. сўм фойда олиш кутилмоқда. Лекин ушбу ҳолатда турли рисклар натижасида корхона минимал 75 млн. сўм фойда олиши мумкин. Демак бундан кўринадикки умумий фаолиятдан фойда олиш эҳтимоллиги 75%ни ёки бошқача айтганда фойда олишда рисклилиқ даражаси 25%ни ташкил этади. демак учта фаолиятдан келадиган фойданинг эҳтимоллиги 75%ни ташкил этмоқда.

III Боб. Корхоналар инвестицион фаолиятини самарали ташкил этиш йўллари.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар хўжалик молиявий фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш далзарб масалалардан бири саналади. Ўз навбатида, корхоналарни модернизация қилиш, замонавий молиявий бошқарув тизимларини жорий этиш, хусусан молиявий менежментни жорий этиш ва истиқболда ривожлантириш ва шу орқали инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этилиши, корхоналарда қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий муносабатларни ривожлантириш, корхонанинг қўшимча молиявий хизмат турларини жорий этиш ва қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирокини таъминлашдаги муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жорий инвестицион ва молиявий фаолият ўз навбатида, бозорнинг юзага келаётган конъюнктурасига ва амалга оширилаётган молиявий сиёсатига мос келувчи қарорларни талаб қилади. Қабул қилинаётган қарорларнинг қиймати нафақат молиявий менежернинг малакаси ва билимдонлик даражасига боғлиқ, балки унинг ҳаракат тезлиги, хусусий корхонаси ва контрагентлар ҳолатини профессионал баҳолашга, молиявий қарорни қабул қилиш оқибатларини тасаввур этишига ҳам боғлиқ. Молиявий менежментга илмий ёндошишларни, молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг услубий асослари сифатида замонавий молиявий назарияни, миқдорий таҳлил усулларини қўллаш қабул қилинаётган қарорларнинг юқори сифатли бўлиш шартидир.

Ҳар қандай корхонанинг иқтисодий ривожланиши ва молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш, зарурий молиявий ресурслар билан таъминлангандагина ҳамда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этилгандагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам корхоналарда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этишнинг асосий йўналишларидан бири бу, молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш ҳисобланади. Корхоналарда инвестицион молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар этиб қуйидагиларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Инвестицион молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш ва бу борадаги хорижий давлатлар амалиётини кенг ўрганиш.
2. Инвестицион молиявий ресурсларни ташкил этувчи ҳар бир элементни самарали ва аниқ бошқариш.
3. Инвестицион молиявий ресурсларни самарали бошқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни олдиндан аниқлаш ва уларни олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.
4. Корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, бу борадаги билим ва тажрибаларимизни ошириш, чет эл корпоратив бошқариш услубиятларидан кенг фойдаланиш.
5. Инвестицион молиявий ресурсларни корхона барқарор молиявий манбалари ҳисобидан тўлдириш.
6. Меҳнат ва табиий ресурсларини тенг тақсимланмаганлигини эътиборга олиб, улардан самарали ва тежаб фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш. Маҳсулотларни сотиш ва ўзаро ҳисоб-китоб муддатларини қисқартириш.

7. Инвестицион молиявий ресурслар айланиш тезлигини оширишга эришиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Инвестицион молиявий ресурсларни самарали бошқаришни такомиллаштириш корхона молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга, корхоналарда молиявий муносабатларни ривожланишига, ўз мажбуриятларини вақтида бажаришга ижобий таъсир этади деб ўйлаймиз.

Корхоналарда инвестицион фаолиятни самарали бошқаришнинг яна бир асосий эътиборли жиҳати шундаки, корхоналарда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш харажатларини оптималлаштириш бўлиб ҳисобланади. Корхоналарда харажатларини оптималлаштириш уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундай тадбирларни амалга оширишда корхоналарда харажатларни минималлашга ириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Харажатларни минималлаштириш стратегиясини қўллаганда корхоналар маҳсулот нархини камайтириш эвазига ушбу турдаги маҳсулот бозорининг катта улушини эгаллаши мумкин. Ушбу стратегияни амалга оширувчи фирма яхши ташкил қилинган ишлаб чиқариш тизимига, яхши таъминот тизимига, замонавий технологияга ва муҳандислик-конструкторлик базасига ҳамда маҳсулот тақсимлашнинг яхши тизимига эга бўлиши керак. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, минимал харажатларга эришиш учун маҳсулот таннархи билан боғлиқ бўлган барча соҳалар чуқур таҳлил қилиниши керак бўлади. Бундан ташқари, маъмурий ва сотиш харажатларини ҳам ўрганиб чиқиши ва уларни камайтириш йўллари қидириши муҳимдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналарда молиявий менежментни ташкил этиш бизнинг корхоналаримиз учун янги жабҳа бўлиб ҳисобланади шунинг учун молиявий менежментни ташкил

этишнинг жаҳон амалиётини таҳлил этиш ҳамда уларни Ўзбекистон корхоналарида қўллаш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдида қўйган асосий мақсади бу даромад олишдир. Даромад ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Даромад иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Даромадни барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида хўжалик ҳисобининг объектив талабидир. Даромад иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида даромад дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Даромад бу фойда ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди. Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи даромадни ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни, яъни даромадни аниқлаш ва ўлчаш - корхона ўз молиявий ҳисоботини тайёрлашда даромадланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади. Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойда активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларни капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Корхоналарда молиявий фаолият - бу пуллар, қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш бўйича молиявий-кредит битимларидир. Молиявий битимларда инфляция (пулнинг қадрсизланиши) омилини

ҳисобга олиниши керак. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий (молия-кредит) фаолиятининг соҳаси бўлиб айланма, қийматлар алмашинуви ҳисобланади. Молиявий фаолиятнинг ўзига хослиги шундаки, у ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам, тижорат фаолиятига ҳам кириб кета олади, шу билан бирга ўзи ҳам мустақил банк, суғурта ва бошқа фаолият шаклида бўлиши мумкин. Молиявий фаолиятнинг асосий фаолият майдони тижорат банклари ва фонд биржаларидир. Сўнги ўн йилликларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида тадбиркорликнинг мустақил тури - консалтинг ажралиб чиқиб, алоҳида фаолият тури сифатида намоён бўлмоқда. “Консултант” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, маслаҳат берувчи маъносини англатади. Бу сўз остида ўз соҳаси бўйича маслаҳат берувчи маълум бир соҳа мутахассиси тушунилади. Хориж амалиётида бошқарув масалалари бўйича тижорат, пулли маслаҳат - консалтинг номини олган.

Инвестицион фаолиятдан олинадиган даромадлар қаторига корхона томонидан олинган капиталнинг роялти ва трансферти, акция облигация ва бошқа инвестицион фаолият юзасидан олинган даромадлар киради. Бизнинг фикримизча инвестицион фаолиятдан олинадиган даромадлар бевосита корхонанинг бўш пул маблағларини мақсадли бошқаришдан даромад ва сарфларни характерлайди. Фавқулодда фойда моддалари - бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ходиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Бевосита инвестицион фаолиятдан олинадиган даромадларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу даромадларга қўйидагилар киради: олинган роялтилар ва сармоя трансферти; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар; мол-мулкни узок муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш); валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари; сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар; молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар. Даромад моддаларидан кўриниб турибдики, молиявий фаолият даромадлари корхонанинг маҳсулот реализацияси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти яқунларига таъсир этади. Бизнинг фикримизча, инвестицион фаолиятдан олинадиган даромадларни спекулятив (чайқовчилик) даромад сифатида қарашимиз мумкин. Спекулятив (чайқовчилик) даромад- асосий фаолиятга нисбатан катта риск ва олдиндан тўғри тахмин қилиш, режалаштириш имкониятининг йўқлиги билан ажралиб туради. Бу даромад тури асосий фаолиятга қўшимча даромад сифатида қаралади. Асосий фаолиятдан даромад билан мос равишда инвестицион даромадларни ошириб бориш, корхона ривожланишининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Корхонанинг инвестицион даромадларини ошириш учун қўйидаги чора-тадбирларни олиб бориш керак:

- корхона капитали ва даромадини дисконтлаштириш. Дисконтлаштириш келажакда олиниши мумкин бўлган сумманинг

ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олиниши кутиладиган суммада мураккаб фоиз бўйича маълум муддатга жамланган даромадни айириш керак. Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси қийматини баҳолашда, қимматбаҳо қоғозларнинг қийматини аниқлашда, банк, суғурта, валюта амалиётида ва бошқа ҳолларда кенг қўлланилади. Даромадни дисконтлаштириш келажакда пул тушумларини (фойда, фоизлар, дивидендлар) баҳолаш учун қўлланилади. Инвестор келгусида режалаштирилган даромад даражасидан келиб чиққан ҳолда лойиҳага максимал миқдорда молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини тўғри баҳолаш керак акс ҳолда кутилган мақсадларга эришиш имконияти бўлмайди.

- молиявий рискни кўчириш усулларида фойдаланиш. Рискни кўчириш- юқори рискли лойиҳаларни ўз зиммасидан рискни тўлиқлигича ёки қисман бошқа бошқа субъект, активга ўтказишдир. Рискни кўчиришнинг 3 асосий усули мавжуд- хеджирлаш, суғурта ва диверсификация.

Хеджирлаш - нархларнинг салбий ўзгаришларни олдини олиш мақсадида олдиндан тузиладиган биржадаги битимлар ҳисобланади. Яъни корхона олдиндан битим тузган ҳолда нархни белгилаб келгусида шу нарх бўйича савдо қилади. Нархлар кескин тушиб кетганда ҳам корхона битимда қатъий белгиланган нарх асосида савдони амалга оширади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, хеджирлаш келгусида олиниши мумкин бўлган даромаддан воз кечтириш имкониятига ҳам эга. Чунки нарх доимий равишда тебраниб туради.

Суғурта - бу молиянинг алоҳида шакли бўлиб, ҳаётда ва бозор иқтисодиётида маълум бўлган рискларни келишилган ҳақ эвазига қабул қилиб компенсациялашдан иборат молиявий фаолият тури ҳисобланади.

Молия бозорида бундай фаолиятни ихтисослашган юридик шахс мақомига эга бўлган турли мулкчилик шаклида тузилган суғурта ташкилотлари (компаниялари) амалга оширади.

Диверсификациянинг моҳияти шундан иборатки, инвестицион портфельнинг умумий riskини камайтириш мақсадида, бир нечта riskли ативларни харид қилишдан иборат. Яъни иқтисодий фаолият қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига кириб бориш. Инвестор қўйилмани уч усул орқали диверсификация қилиши мумкин - бир нечта корхонага инвестиция қилиш, бир нечта маҳсулот турини ишлаб чиқарувчи корхонага инвестиция қилиш ва инвестиция киритиладиган соҳага мўлжалланган фондга инвестиция қилиш. Устун томони шундан иборатки, бирор-бир инвестицион портфель камомад билан чиқса уни бошқа портфеллар эвазига қоплашдир.

Шунингдек валюта захираларини диверсификация қилиш амалиётда кўп учрайди. Валюта курслари доимо тебраниб турадиган шароитда валюта захиралари диверсификацияси қилиш мақсадга мувофиқдир. Валюта курсини диверсификация қилиш деганда, захиралар таркибидаги нобарқарор валютани сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш тушунилади.

- инновацион технологияларни жорий қилиш. Инновация деганда, янги технологиялар, маҳсулот ва хизмат турлари, ишлаб чиқариш, молия, тижоратга оид, маъмурий ёки бошқача хусусиятга эга бўлган ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ечимлар кўринишидаги янгиликлардан даромад олиб фойдаланиш тушунилади. Яратилган исталган янгилик корхона фаолиятига кескин таъсир қилиб ўз рақобатчиларидан бир қадам олдин юриш имконини беради ва бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олган ҳолда юқори натижаларга эришади. Барчага маълумки, бир сифат ҳолатидан бошқасига ўтиш ресурслар

(энергия, вақт, молия ва бошқаларни) сарфлашни талаб этади. Товарлар олди-сотдидан иборат иқтисодий муносабатлар тизими бўлган ҳамда талаб, таклиф ва баҳони шакллантирадиган бозор шароитида инновацион фаолиятнинг асосий таркибий қисмларини янги маҳсулотлар, инвестициялар ва янгиликлар ташкил қилади. Янги маҳсулотлар - ушбу маҳсулотлар бозорини, инвестициялар- капитал (инвестициялар) бозорини, янгиликлар (инновациялар) - янгиликларнинг соф рақобати бозорини шакллантиради. Инновацион технологиялар (маҳсулотлар)ни корхона молиявий фаолиятига тадбиқ қилиш ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида муҳим ҳисобланади ва корхона харажатларини самарали бошқаришга олиб келади. Шунингдек, махсус инновацион маҳсулотлар ёрдамида дунёда юз бераётган янгиликлардан (сиёсий, иқтисодий), қимматли қоғозлар бозорларидаги котировкаларнинг ўзгариши, валюта бозоридаги валюта курсларини тебранишидан ўз вақтида боҳабар бўлиб бориш орқали оператив қарорлар қабул қилиш имконини яратади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Корхоналарда инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш бугунги кунда энг долзарб масалардан бири бўлиб ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда корхоналар инвестицион фаолиятига катта эътибор қаратади. Умуман олганда мазкур битирув малакавий иши натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни хулоса сифатида келтирамиз:

- Корхоналарда молиявий менежментнинг асосий бошқарув объектларидан бири корхонанинг инвестицион фаолияти ҳисобланади. Корхоналарда инвестицион фаолият билан шуғулланиш асосин корхоналарда молиявий ресурсларни диверсификация қилиш даврида амалга оширилади. Агарда корхона ўз ишлаб чиқариш фаолияти билан бир қаторда бошқа фаолиятлар билан қисман шуғулланиши корхоналанинг молиявий ҳолатида молиявий йўқотишлар хавфи камаяди. Бундан ташқари корхоналар асосий фаолиятида пул маблағларини самарали бошқариш натижасида пул маблағлари айланувчанлигини оширади. Бу эса ўз навбатида пул маблағларининг маълум қисми бўшашига олиб келади. Ишлаб чиқаришдан вақтинчалик бўшаган пул маблағларини янада самарали фойдаланиш мақсадида инвестицияга йўналтириши мумкин.

- Молиявий менежментнинг энг асосий бошқарув объектларидан бири инвестицион фаолият бўлиб, уни самарали бошқаришда молиявий менежерлар барча чора тадбирларни амалга оширади. Корхона инвестицион фаолиятини амалга оширишда инвестицион лойиҳадан келадиган даромад, унинг самарадорлиги, инвестицион лойиҳа хавфсизлиги ҳамда инвестицион маблағларнинг ликвидлилиги алоҳида эътибор қаратилади.

- Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар доим маълум даражада молиявий ресурсларни йўқотиш хавфи мавжуд бўлади. Шунинг учун инвестицион лойиҳада йўқотилиши мумкин бўлган молиявий ресурслар миқдорини

олдиндан аниқлаш зарур. Бу эса келгусида резервлар ташкил этишга ва молиявий ресурсларни шунга қараб йўналтиришга хизмат қилади.

- Инвестицион фаолият даромадлилик даражаси инвестицион рискларнинг юзага келишига тўғри пропорционалдир. Яъни юқори даромадлиликка эга инвестицион лойиҳанинг лойиҳага йўналтирилган маблагларидан ажралиб қолиш эҳтимоли ҳам юқори бўлади, инвестицион риск даражаси юқорибўлади.

Юқоридаги хулосалар асосида битирув малакавий ишимизнинг қуйидаги таклифларини келтирдик:

1. Бугунги кунда мамлакатимизда аксарият корхоналарда инвестицион фаолият етарли даражада яхши йўлга қўйилмаган. Шунинг учун корхоналарда инвестицион фаолият кўлами ошиши учун давлат томонидан турли рағбатлантиришлар бериш лозим.

2. Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда даромад, даромадлилик, ликвидлилик ва хавфсизлик омилларини яхши ўрганиш зарур. Бу тўртта омил корхоналарда инвестицион фаолиятини самарали ташкил этишда ва ушбу фаолитдан даромадларни максималлаштиришда хизмат қилади.

3. Корхоналарда пул маблағлари рентабеллигини оширишга эришилса, корхона ихтиёрида қўшимча маблағлар юзага келади. Бу эса ўз навбатида инвестицион молиявий ресурслар ҳажмини оширади. Шунинг учун корхоналарда молиявий ресурслар ликвидлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

4. Корхоналарда инвестицион фаолиятни диверсификация қилиш лозим. Яъни фақатгина биргина инвестицион лойиҳада эмас, балки бир неча инвестицион лойиҳада ишлоаш лозим. Бу ўз навбатида инвестицион маблағларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

5. Инвестицион лойиҳаларнинг рисклилик даражаларини ўрганиш ва унинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини юмшатиш мақсадида резервлар ташкил этиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent, «O'zbekiston» nashriyoti, 2009 y. – 39 b.
2. «Byudjet tizimi to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi qonuni. 2000 yil 14 dekabr.
3. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2005 йил 14 июн.
4. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва унинг ноқонуний талаб этилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2005 йил 15 июн.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1675-сонли Қарори, 30 декабрь 2011 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1449-сонли Қарори, 24 декабрь 2010 йил.
7. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2012
8. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2011
9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

- 10.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – тараққий топган давлатлар каторига киришдан иборат. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
- 11.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
- 12.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56. б
- 13.Бабич А., Павлова Л. Финансы. Денежное обращение. Кре-дит: Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
- 14.Басовский Л.Й. Финансовый менеджмент: Учебник –М.:Инфра-М, 2003,- 240стр.
- 15.Бригхем Ю., Эрхардт М.Финансовый менеджмент. СПб.: Питер, 2009. – 960с
- 16.Бочаров В.В. «Корпоративные финансы», Москва-Питер-2004
- 17.Бурмистрова Л.М. «Финансы организаций», Учебное пособие, Москва – Инфра-М – 2000
- 18.Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Т.: “IQTISOD–MOLIYA” 2008. 354 б.
- 19.Гаврилова А.Н. «Финансы организаций», М.-Кнорус-2007
- 20.Ермасова Н.Б. «Финансовый менеджмент», Москва – «Высшее образование» - 2008г. , 46 стр.
- 21.Jumaev N., Burxanov U. Moliyaning dolzarb muammolari/. Monografiya. Т.: Yangi asr avlodi, 2003. - 382 b.
- 22.Жумаев Н.Х., Вахабов А.В. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т.: ЖИДУ. 2009. 56-бет.
- 23.Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари.
- 24.Иванова В.В., Ковалова В.В. Финансы. – М.: ТК Велби, 2008. – 272 с.

25. Yoʻldoshev Z., Malikov T. “Uy xoʻjaligi moliyasi” Oʻquv qoʻllanma, Toshkent “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 y, - 105 b.
26. Карасева М.В., Крохина Ю.А. Финансовое право. – М.: НОРМА, 2001.– 230 с.
27. Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. – М.: ОМЕГА - Л, 2008.– 21, 27с.
28. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2009. 456 бет.
29. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет. Ўқув қўлланма. . Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 йил.
30. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма / Тошкент Молия институти. – Т.: “ИҚТИСОД–МОЛИЯ”, 2007 йил.
31. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. . Т.: “Иқтисод-молия”, 2007 йил
32. Попова Р.Г. «Финансы организаций», - Питер-2008
33. Под ред. М.В.Романовского «Финансы» учебник, – Москва – «Юрайт-Издат», 2007 г. 36 стр.
34. Под ред. Шохин Е.И., финансовый менеджмент.-М.: ИД ФБК-Пресс, 2004, - 408с .
35. Поляка Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008. – 703 с.
36. Под ред. Г.Н.Белоглазовой «Денги, кредит, банки» учебник, – Москва – «Юрайт-Издат», 2007 г. 36 стр.
37. Хохлов Н. Управление риском: Учеб. Пособие для вузов. М.: Юнити-Дана, 2001, 239стр.
38. Ченг Ф.Ли “Финансы корпораций: теория, методы и практика”, - Москва – Инфра-М – 2000
39. Шевчук Д.А. «Корпоративные финансы», Москва-ГроссМедиа-2008
40. Haydarov N. Moliya. Oʻquv qoʻllanma. - Т.: Akademiya. 2003 - 72 b.
41. Haydarov N.X. “Davlat moliyasini boshqarish”. Oʻquv qoʻllanma. Т.: “Akademiya”, 2005.

Интернет сайтлари

- 42. <http://www.regnum.ru>
- 43. <http://www.uzreport.com>
- 44. [http:// www.cfin.ru](http://www.cfin.ru)
- 45. <http://www.risk.ru>
- 46. <http://www.fma.org>
- 47. [http:// www.finman.ru](http://www.finman.ru)
- 48. [http:// www.alleng.ru](http://www.alleng.ru)
- 49. [http:// www.aup.ru](http://www.aup.ru)
- 50. [http:// www.cfin.ru](http://www.cfin.ru)
- 51. <http://www.risk.ru>

